

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ



ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Дональд Трампга шошилиночма йўллаб, уни АҚШ президенти лавозимига расман киришганлиги муносабати билан табриклади.

Табриқда Қозоғистон ва АҚШ ўртасидаги энергетика, ядро куралини тарқатмаслик ва халқаро хавфсизлик соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада муваффақиятли ривожланишига ишонч билдирилган.

ИЖОДГА ЭҲТИРОМ – ИСТЕЪДОДГА РАҒБАТ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқ ёзувчиси, драматург, жамоат арбоби Тўлен Абдикка «Егемен Қазақстан» газетасида чоп этилган муносабати юзасидан шошилиночма йўллади.

«Егемен Қазақстан» газетасига берган мусохабабани зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Сизнинг терең мурожаатларингиз халқимизнинг маънавий қадриятларига оид қимматли фикрларни ўз ичига олган. Сизнинг адабиётимиз раънақи ва истиқболли ҳақидаги танқидий мурожаатларингизни, ёш авлодга берган ҳикматли кўрсатмаларингизни долзарб деб биламан. Дунёвий беқарорлик даврида адолат, эзгулик ва умуминсоний қадриятларни бадиий ижод орқали тарғиб этиш ёзувчилар ҳамжамиятининг бурчидир. Бу мамлакатимиз келажаги учун улкан аҳамиятга эга. Сизга чексиз ижодий илҳом, сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилайман!» дейилади шошилиночмада.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Бейбут Атамқулов Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов билан учрашди.

Учрашувда ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, 2025 йилга мўлжалланган тадбирлар тақвими кўриб чиқилди.

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг ижобий суръати ва давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин сиёсий мулоқот муҳимлигини қайд этиб, ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган алоқаларни янада чуқурлаштиришга тайёрликларини маълум қилдилар.

Савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни муҳимлаштириш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва транспорт алоқаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий унсурлари сифатида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва транспорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Дипломатлар икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик муҳимлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Учрашув якунида томонлар чинакам ўзаро англашув ва иттифоқчилик руҳида ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканликларини тасдиқладилар.

24.kz. маълумотлари асосида.

ҚОЗОҒИСТОНДАН – ХИТОЙ ВА МИСРГА

ҚР Транспорт вазирлиги парвозлар доирасини кенгайтириш ва мавжуд йўналишлар бўйича парвозлар сонини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

2025 йил март ойидан эътиборан «Air Astana» Хитойга Алматы-Гуанчжоу йўналиши бўйича ҳафтасига 3 марта янги йўналишларни очди.

Баҳор-ёз мавсумидан бошлаб «Air Cairo» ҳафтасига бир марта Қўстанай-Шарм-аш-Шайх ва ҳафтасига икки марта Алматы-Хургада йўналиши бўйича парвозларни амалга оширишни режалаштирмоқда, шунингдек, Алматидан Ал-Аламейнга ҳафтасига 1 марталик парвозларни қайта тиклаш режалаштирилган.

– Янги йўналишларнинг очилиши мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, бизнес ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, – деди Транспорт вазирлиги вакили.

24.kz. маълумотлари асосида.

Президентга адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазирликнинг «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий юксалиш, ижтимоий неқбинлик» Мактубида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, Қ. Тўқаевга меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш сифатини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ва хавфсиз жамиятни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Давлат раҳбари ҳуқуқий тизимни шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашув якунлари бўйича Президент қатор топшириқлар берди.

Akorda.kz

ДАВЛАТ РАҲБАРИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



»» Ҳукуматда



Умумий режа 70 босқичдан иборат 7та асосий йўналишни ўз ичига олади. Минтақалар бўйича 20та ташаббус белгиланди. Мутасадди вазирлик ва бошқармаларга ишчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, иш бевувиликларни ушбу тадбирларга жалб этиш каби вазифалар юкланди.

– Жорий йилда мамлакатимизда 12та йирик республика ва халқаро тадбирлар ташкил этилади. Улардан биринчиси февраль ойида пойтахтда ўтади. ЭКСПО кўргазмалар марказида

«Ишчи касблари шаҳри» деб номланган фестиваль ташкил этиш режалаштирилган. 5 кун давом этадиган тадбир ишчи касблар салоҳиятини намойиш этиш, келажак касблари ва инновацион технологияларни намойиш этишдан иборат. Фестиваль доирасида иқтисодиётнинг амалий шўъбасидаги оммабон йўналишларга бағишланган павильонлар ташкил этилади. Унга барча минтақалардан йирик корхоналар ва саноат биноларини жалб этилади, – деди Таълим вазири ўринбосари Едил Ўспан.

Йиғилишда «Самўрық-Қазына» ҲҲЖнинг «Ишчи касблари йили» доирасидаги чора-тадбирлари ва истиқболдаги режалари ҳам кўриб чиқилди. Унинг тасарруфидagi компаниялар гуруҳида 255 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади, улардан 190 мингга яқини ишчи касблар вакиллари. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда 5000 мутахассисга талаб мавжуд. Шу боис таълим муассасалари билан шартномалар тузиш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, ёш кадрлар малакасини ошириш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

«Самўрық-Қазына» ҲҲЖ 2032 йилгача 46та йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Унинг доирасида жами 64 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. ҲҲЖ ишчи мутахассисларни тайёрлашда иштирок этишдан манфаатдор.

Шунингдек, комиссияга «Ишчи касблари йили» доирасида йирик корхоналар томонидан режалаштирилган тадбирлар лойиҳаси тақдим этилди.

Primeminister.kz. маълумотлари асосида.

КАРТОШКА ЭКСПОРТИГА ЧЕКЛОВ ҚЎЙИЛДИ

Вилоятимизда картошка экспортига чеклов муносабати билан чегара бекатларида назорат кучайтирилди.

Ички бозорда картошка нархини барқарорлаштириш мақсадида Савдо масалалари бўйича идоралараро комиссиянинг 2025 йил 18 январда ўтган йиғилишида картошкани учинчи давлатларга экспорт қилишни 6 ой муддатга чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Туркистон вилоятидаги барча божхона бекатларида карантин нозирлари ва участка нозирлиги ходимлари картошка экспортига жорий этилган чекловлар ҳақида огоҳлантирилиб, назорат кучайтирилди. Бундан ташқари, Давлат даромадлари департаменти чегара хизмати ва «Қазақстан темір жолы» ҲҲЖнинг маҳаллий бўлимларига картошка экспортига киритилган чекловлар тўғрисида хабар йўлланди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшероғовнинг топшириғига биноан вилоятда штаб ташкил этилиб, чегара ҳудудлари назоратга олинди. Сариоғоч темирйўл станциясида вилоят ҳокими ўринбосари Нурбўл Турашбеков идоралараро йиғилиш ўтказиб, штабнинг вазифаларини белгилади. «Майский» божхона бекатида чегарачилар билан учрашиб, уларга махсус режа тақдим этиди.

Туркистон ижтимоий-тадбиркорлик корпорациясининг барқарорлаштириш жамғармаси бутун минтақани ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари билан

таъминлаш мақсадида фаолият юритади. Барқарорлаштириш жамғармасида 4309 тонна картошка учун шартнома тузилган.

19 январь ҳолатига кўра, барқарорлаштириш жамғармаси ва деҳқон хўжаликлари омборларида 4000 тоннага яқин картошка сақланмоқда. Бу жамғарма вилоятнинг 3 ойлик эҳтиёжини қоплайди. Бундан ташқари, ҚР Савдо ва интеграция вазирлиғига февраль ойидан эътиборан ҳар ойда 500 тонна (4 ой давомида 2000 тоннадан) эртанги картошкани Покистон Республикасидадан жўнатиш учун ариза топширилди.

Бу йилги тахминга кўра, вилоятимиз бўйича 6844,4 гектар майдонга эртапишар (май, июнь, июль) картошка экилиб, ундан 186,3 минг тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, май ойидан бошлаб вилоят ва бошқа вилоятлар аҳолисини эртапишар картошка билан таъминлаш имконини беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

«ИШЧИ КАСБЛАРИ ЙИЛИ»НИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНING ДАСТЛАБКИ ЙИҒИЛИШИ ЎТДИ

Ҳукуматда Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Тамара Дуйсенова раислигида «Ишчи касблари йили» республика комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтди. Тадбирда республика ва минтақавий миқёсдаги чора-тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

«Самўрық-Қазына» ҲҲЖ 2032 йилгача 46та йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Унинг доирасида жами 64 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. ҲҲЖ ишчи мутахассисларни тайёрлашда иштирок этишдан манфаатдор.

Шунингдек, комиссияга «Ишчи касблари йили» доирасида йирик корхоналар томонидан режалаштирилган тадбирлар лойиҳаси тақдим этилди.

Primeminister.kz. маълумотлари асосида.

«Туркистон» ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси кўмағида ҳар йили ярмаркалар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар нархларни барқарорлаштиришга бевосита хизмат қилмоқда.

ЯРМАРКАДА КАРТОШКА АРЗОН НАРХЛАРДА СОТИЛДИ



Озиқ-овқат ярмаркаси Туркистон шаҳрида ҳар ҳафтада ўтказилади. Навбатдаги ярмарка «Turan Mall» кўнгилочар маркази майдонида ташкил этилди. Унда шаҳар аҳолиси мақбул нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эга бўлди.

Ярмаркада 19 хил ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотлар арзон баҳоларда тавсия қилинди. Хусусан, картошка ва сабзи 100, карам 55, пиёз 77, нон 70, тухум 40 тенгедан сотилди. Шунингдек, туз 45 тенгедан, биринчи навли бугдой уни 190, гречка 220, сут 260, кунгабоқар ёғи 520 тенгедан сотилди.

Корпорация вакили Лаура Жанасбаеванинг сўзларига кўра, вилоят озиқ-овқат нархларини барқарорлаштириш жамғармасида сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари етарли. Нархи сезиларли даражада ошган картошка аҳолига бозор нархидан уч баравар арзон баҳода сотилмоқда.

Албатта, ярмарка бир марталик тадбир эмас, ҳар ҳафтада ташкил этилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ВА ЯНГИЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

Вилоят ҳоқими ўринбосари Ертай Алтаев амалий ташриф билан Тўлебий туманидаги муаммолар юзга келган қатор ижтимоий иншоотларни оралаб, мутасаддилар билан мулоқотда бўлди.

Е. Алтаев сафар давомида спорт, маданият, диний ишлар, ёшлар сиёсати соҳаларидаги ишлар билан танишди. Жамият, маданият, дин намояндлари билан учрашиб, уларнинг маъмурият соҳаларга оид масалалар юзасидан тақлифларини тинглади, саволларига жавоб берди.

Дастлаб, вилоят ҳоқими ўринбосари тегишли идоралар мутахассислари ҳамроҳлигида Тўлебий тумани музейига ташриф буюриб, у ердаги осори-атикаларни кўздан кечирди. Музей тарихий ва маданий қадриятларни қайд этиш, илмий тадқиқотлар, экскурсиялар, экспозициялар ва кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланади. Музейда жами 3518та экспонат мавжуд.

Ленгер шаҳридаги ўқувчилар уйида учрашувда Ертай Кенжетайули болалар ва ўқитувчилар билан мулоқотда бўлди. Бу ерда болалар ва ўсмирлар шахмат, бадий гимнастика, миллий рақс тўғрақларида иштирок этиб, марқли ҳордиқ чиқармоқда.



Ҳоқим ўринбосари диний вакиллар билан учрашувда вилоятдаги маънавиятга оид тадбирлар юзасидан ҳам фикр алмашиб, эл бирлигини асраш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўллари муҳофаза қилди.

Биркўлик қишлоғидаги “Байшешек” спорт-соғломлаштириш мажмуасига ташриф буюрган ҳоқим муовини спортчиларнинг дам олиш маскани, машғулотлар залини кўздан кечирди, ошонанинг ҳолатига эътибор қаратди. Бинода аниқланган камчиликларга тўхталиб, вилоят спорт бошқармаси мутахассисларига уларни бартараф этиш ва соҳани ривожлантириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш вазифасини юклади.

Шунингдек, вилоят ҳоқими ўринбосари спортни ривожлантириш учун янги йўналишларда ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Туманлар ва чекка қишлоқлардан ёш иқтидорларни излаб топиш, уларни спорт билан шуғулланишга рағбатлантириш вазифасини ҳам топширилди.

1972 йилда ташкил этилган спорт мажмуаси бир вақтнинг ўзида 250

нафар болани қабул қила олади. Бу ерда кураш, бокс, оғир атлетика, футбол, волейбол каби спорт турлари билан шуғулланиш учун жиҳозланган заллар мавжуд. Бироқ, бугунги кунда бинонинг ҳолати тубдан таъмирланишга муҳтож.

Ал Форобий номли мактабда масъулларга ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароитлар яратилиши зарурлигини таъкидлади.



Таълим муассасасининг ўқув биносини ҳам тубдан таъмирлаш зарурлиги юзасидан вилоят таълим бошқармасига тақлиф киритилган. Маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари бошланса, мактабдаги жиҳоз ва компьютерларни янгилаш режалаштирилган.

Сўнгра ҳоқим муовини “Туркистон политехника коллежи” қошидаги “Ишчи касбларни ўқитиш базаси”да бўлиб, ўқувчилар билан учрашди. Учрашувда талаба-ёшларга ўз соҳасининг замонавий мутахассиси бўлиб етишиш

учун билимга иштиёқ, тинимсиз изланиш, замонга мослашиш зарурлиги таъкидланди.

Туркистон вилояти ҳоқими ўринбосари Ертай Алтаев Тўлебий туманига амалий ташрифи чоғида Туркистон кўп тармоқли техника коллежининг моддий-техник базаси билан танишиб, ўқувчилар билан мулоқотда бўлди.

– Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, уларнинг Ватанимизнинг муносиб ворислари бўлиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бунда, биринчи навбатда уларнинг маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, сир эмаски, маънавиятли ва маърифатли одамгина умуминсоний қадриятлар моҳиятини англаб етиши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин, – деди у ва бугунги кунда давлатимиз томонидан

Қозоғистон”ни барпо этиш жараёни, “Қонун ва интизом” тамойили, қонунчиликка киритилган янгиликлар муҳофаза қилинди.

– Президент мусохабасидан иқтибос келтираман: “Ўтган йили кўплаб муҳим қонунчилик ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилди. Беш йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар фуқароларимизнинг асосий талаблари ва давлатнинг узоқ мuddатли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пухта ишлаб чиқилган стратегиядир. Асосий сиёсий ислохотлар яқунланди. Буларнинг барчаси жамиятда кенг муҳофаза қилинди ва пировардида жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Бу билан барча йирик сиёсий тизимлар янада очик ва самарали бўлди, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва мувозанат мустаҳкамланди, энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятлари сезиларли даражада ошди”, деди у. – Бу суҳбатда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ва рақобатбардошлик қобилиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бир одамнинг ўзига эмас, бутун халқ рақобатбар-



ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга тўхталди.

Тўлебий туман “Ёшлар имконият маркази” раҳбари Беглан Айдарули ўшларга Давлат дастурлари – “Серпін-2050”, “Келажак”, “Яшил эл”, “Диплом билан – қишлоққа”, “Истиқлол авлодлари”, “Zhas project”, “Ёшлар амалиёти”, “Жамоат ишлари”, “Дастлабки иш ўрни” юзасидан маъруза қилди.

Тадбирда Давлатимиз раҳбари Қасим-ЖўмарТўқаевнинг “Ана тили” газетасига берган “Мақсадим – иқтисодиётни ва эгамликни мустаҳкамлаш” мавзусидаги мусохабасида белгиланган вазифалар доирасида ёшлар сиёсатининг муҳим масалалари, чунончи, “Тоza Қозоғистон” экологик тадбирининг ижроси, “Адолатли

дошлик қобилиятини кучайтиришига муваффақиятга эришиш имкониятини кўлга киритади. Рақобатбардош бўлиш учун АТ (Ақли технологиялар) ва СЗ(сунъий заковат)ни ривожлантириш режаланмоқда. Бу эса “Рақамли Қозоғистон” доирасидаги дастурларни ўзлаштиришга ёрдам беради ва барча қозоғистонликларни XXI аср талабларига тайёрлайди.

Тадбирда ёшларнинг теран фикрлаши, муҳим масалаларга дахлдорлик ҳисси сезилди. Ўртбошимизнинг мусохабасида белгиланган вазифаларни тушунтиришга бағишланган бу муҳим тадбир – юзма-юз мулоқотда унинг иштирокчилари ўзларига юкланган юксак масъулиятни ҳис қилишди.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ҚАНОТИ

Тўлебий туманига ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Бу ҳудудда маънавий бой тарихий обидалар талайгина. Айниқса, туманининг бетакрор табиати ҳам сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Қоратоғ, Қирққиз, Оқ масжид, Ўғам, Биркўлик, Қасқасудаги водийлар, “Тау самалы”, “Алма-Тау” дам олиш ҳудудларининг бетакрор жозибаси билан хорижий сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда.

Туманининг сайёҳлик салоҳияти йилдан-йилга юксалмоқда, соҳа вакиллари “Буюк Ипак йўлидаги сайёҳлик” кўргазмасида мунтазам иштирок этмоқда.

Миллий хунармандчиликни сайёҳлик билан уйғун ҳолда ривожлантириш мақсадида туманда Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг олти-мишдан зиёд халқ амалий санъати усталари, кўплаб чет эл мамлакатларининг туроператорлари ҳамда ЮНЕСКОнинг республикамиздаги ваколатхонаси ва Қозоғистонда фаолият

юритаётган 29та хорижий давлат элчихонасининг вакиллари иштирокида фестиваллар ўтказиб турилади.

Сайёҳлик ташкилотлари ва “Кичик бизнес ҳамжамияти”, бошқа нодавлат ташкилотлар ташаббуси билан 10 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Ипак йўли” халқаро фестивали доирасидаги “Муъжизалар қарвони” ҳам Тўлебийдаги тоғ ён бағирларида ўтди.


– Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад – миллий хунармандчиликни ривожлантириш, турмуш тарзимиз ва

маданиятимизга қизиқиш билдирган хорижий сайёҳларнинг туманимизга кўплаб сафарларини ташкил этиш йўли билан сайёҳликни иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантиришдан иборатдир. Сайёҳлик эса тинчлик ва дўстлик элчиси ҳисобланади, – дейди “Сайрам-Ўғам” нодавлат ташкилоти раҳбари А. Абдешов. – Жаҳонда иқтисодий-молиявий таназзул миллионлаб инсонларни ташвишга солиб турган бугунги кунда юртимизда хунармандлар меҳнати юксак кадрланиб, уларнинг унумли иш-лашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Келажакда сайёҳлик юксак даромад манбаига айланиши учун тўлебийликлар бор имкониятларини ишга солишмоқда.

– Ҳар йили тоғ ён бағирларида

ўнлаб янги дам олиш масканлари қурилмоқда, – дейди туман тадбиркорлик бўлими раҳбари Умар Жанқалов. – Жорий йилнинг ўзида “АИСА”, “Ақкен” ва “Асем Тау” ҳордиқ масканлари фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бири 300га яқин дам олувчини қабул қила олади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қозоғистонликлар маданий ҳордиқ учун келишса, хорижлик сайёҳларни этнотуризм қизиқтирар экан. Маданий туризм – ўзга халқлар маданияти ва урф-одатларига қизиқиш. Ўлкамизга келувчи маданий туризм ихлосмандларининг аксариятини ўзининг билими ва маърифатини оширишни истовчилар ташкил этишса-да, уларнинг орасида экотуризм мухлислари, турли



саргузашт ишқибозлари ҳам топилади.

Дарҳақиқат, шу кунларда “Тау самалы” ва Қасқасудаги чанги базаларига хориждан келатган сайёҳларнинг аксарияти меҳмонхоналарга эмас, меҳмон уйларига жойлашишмоқда. Уй эгалари билан тоққа ётди, ё пийда чиқишяпти. Уларга хизмат кўрсатиш мақсадида тадбиркорлар саргарошхона, этикдўзлик ва бошқа устахоналар

очишмоқда. Инфратузилма ҳам ривожланмоқда.

– Оқ масжид ва Биркўликка газ қувири тортилди, Қасқасу ҳам газлаштирилмоқда, – дейди Ў. Жанқалов. – Электр энергияси етиб бормаган қатор қишлоқларда қувёш батареялари ўрнатилмоқда. Тоғ-чанги спорти федерацияси (FIS) сертификатини олсак, бу ерда халқаро мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади.

А. АБДУҒАТҒОҲ.

АСРНИ ОРТДА ҚОЛДИРГАН ОНАХОН

ЁХУД МУБОРАК СИЙМОЛАР МОЗИЙНИНГ ТИРИК САҲИФАСИ

103 ёшни қаршилаётган Фирғат Аслонова хонадонига келган меҳмонларни келини билан бирга кучоқ очиб қарши олади. Бу одат унинг қонига сингиб кетган фазилатдир. Ташрифимиз ҳақида ҳеч кимни олдиндан огоҳлантирмаганимиз ва ушбу хонадонни танийдиганлардан “онахон доим уйдлар”, деган жавобни олгач, хотиржам бу гўшага кириб келавердик. Ниятимизни Шимкент шаҳар Енбекши тумани ЎЗМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, түбә бий Абдумутал Исроиловга айтдик.

“Сизни ҳамда муштарийларингизни қувонтирадиган қахрамон ая, ажойиб мақола бўларди”, деди у. Онахон бизни чаққон ҳаракатлар билан қарши олди. Онахоннинг руҳи ҳам тетик, қадди ҳам тик. Кўзларида эса шукроналик ҳисси мужжасам.

Фотиҳадан сўнг ая ўзини таништиришни “таниқли Ферхат Аслоновнинг келини бўламан”, деган сўзлар билан бошлади ва барчанинг юзиде табассум қалқиди. Онахоннинг Ахиска туркларининг Қозғоғистондаги табаррук ёшдаги вакиласи бўлишига қарамай соф ўзбек адабий тилида сўзлаётгани қувончимни янада оширди ҳамда шундай сўхбатдошни муштарийларимизга илинган Абдумутал акага дилдан миннатдорчилик билдирдим.

шарди. Уй ишларига ҳам, пахта теримига, фарзанд тарбиясига ҳам бемалол улгурардик. Оиламиз катта бўлгани боисми, бизга режани ҳам баракали қилиб белгилашарди. Умр йўлдошимни жамоада ҳам, раҳбарлар орасида ҳам ҳурмати баланд эди. Бироз вақтдан сўнг уни звенно бошлиғи этиб тайинлашди. Ҳар йили ҳосил йиғим-теримидан сўнг мукофотлар олардик. Бир гал эса режани ортиғи билан бажарганимиз учун машина

– Бу ёшга етишнинг ўзи бўлмайди, қайнонангизнинг яшаш тарзи ҳақида гапириб берсангиз.

– Онамиз табаррук ёшларида қариндошларимизнинг турли йиғинларида, тўй маросимларида, ҳатто шаҳар, вилоят турк этномаданият бирлашмаларининг байрам тадбирларида энг азиз меҳмон. Унинг дуосини олишга ҳаракат қилишарди. Ҳозирги кунда онам майлики-я, ҳатто мен ҳам уларнинг неваралари,



– 1922 йили Кавказда туғилганман, – дейди Фирғат ая сўхбатдан. – Аслида исми Фирғат, билмадим, исминини талаффуз қилишга қийналишардим, ҳамма ҳужжатларимда Парси деб қайд этишган. Ўзбекистонга сургун қилинганимизда 12 ёшда эдим. Мол ташийдиган вагонга бир қанча оила вакиллари жойлаб олиб келишган. Кавказда жуда фаровон яшаганимиз, болам. Чорваларимиз, экин-тикин қиладиган деҳқончилигимиз бор эди. Қанчадан-қанча катта уйлар, бутун молимизни шундоқ ташлаб, вагонда бошқа мамлакатга сургун қилинишга мажбур бўлдик. Отам – Файзиллаҳ ватанимизда оламдан ўтган, яқинларимиздан камиде 6 оила бўлиб, Янгийўл туманига кўчиб келдик. Ўзбек оиласи бизни яхши қабул қилди. Бор неъматларини биз билан бирга баҳам кўришди. “Бир майизни кирқ бўлиб” яшашни амалда кўрдик. Шу ерда саводимни чиқардим. Давр қийинчиликлари туфайли бирор жойда ўқи олмадик. Онамга, амакимга ёрдам берардик. Фрунзе жамоа ҳўжалигида болаларга ҳам иш топиладди. Бироз йилдан сўнг бизга ҳам ер ажратилиб, уй барпо этдик. Амакимдан жуда миннатдорман, онамга фарзандларини тарбиялашда ҳақиқий ота сингари елкасини тутиб берган инсон. Болалигимиздан пахта етиштирдик, далада сўягимиз қотди. Ҳамюртим Ҳамза исмли йиғитга турмушга чиқдим. 6 ўғил ҳамда 3 нафар қизни тарбиялаб, воёга етказдик. Фарзандларимнинг барчаси ҳўжалик ишларида ёрдамчи эди. 5 нафар бола эр-талаб мактабга кетишса, қолган тўрттаси тушдан кейин ўқи-

тақдим этишди. Оиламиз хурсандлигини таърифлашга тил ожиз. Мустақиллик йиллари эса Қозғоғистонга кўчиб келдик. Қариндошларимиз ҳам кўчиб келишгани боис, “Чимкентга келинлар, бу баракали шаҳар” деб, бизга шу ерни маслаҳат беришди. Шимкентнинг Абдуллабод даҳасига кўчиб келганимизга 35 йил бўляпти. Дастлабки йили “Коммунизм” жамоа ҳўжалиги таркибиде бизга ер ажратиб берилди, пиёз экиб, мўл ҳосил кўтардик. Ҳаммага 25-50 сўтихдан ер ажратилса, бизнинг оиламизга келганда бригадирлар “уларга 1 гектар ажратинлар, уйдлашадди” деб катта майдонларни ажратишарди. Оиламиз билан бир тану бир жон бўлиб пиёз экиб, мўл ҳосил кўтарардик, доим режа ортиғи билан бажарилган.

– Демак, Қозғоғистонга кўчиб келганингизда 71 ёшда бўлгансиз, ая шундайми?

– Ҳа, давлатдан нафақа олардим. Умр йўлдошим меҳнати, савоатпешалиғи билан бу ерда ҳам ҳамюртларининг ҳурмати-ни қозонди. Уғилларим, келинларим, невараларимиз билан далага чиқамиз. Аҳиллик билан қилинган иш ҳам баракали бўлади-да. Бироқ умр йўлдошим эрта оламдан ўтди. Менинг суянган тоғим эди, – дейди онахон кўзлари ёшланиб.

– Ҳамза ота неча ёшда вафот этганди?

– 88 ёшида дунёни тарк этди. Маслаҳатгўйим, оиламиз раҳбарининг ёнимда йўқлиғини ҳар кун ҳис этиб ўтишим.

Аяни парваришлайётган кенжа келини Кларахонга муурожаат қилдим.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



Маориф

Сайрам туманидаги Иброҳим ота номи мактабда Шимкент шаҳридаги кимё-биология йўналишидаги Назарбаев заковат мактаби ўқитувчилари иштирокида “Очиқ эшиклар кунни” ва тажриба алмашиш семинари ўтди.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Мақсад – ўқитувчиларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, ўқитиш сифатини яхшилаш эди.

Дастлаб НЗМ етакчи тарбиячиси Гулнар Асилбекова, ўқитувчи-ташқилотчи Алина Бақбергенова ва тарбиячи Сандуғаш Ақпамбетова “Skillfolio дастури доирасида ўқувчиларнинг SOFT SKILLS кўникмаларини ривожлантириш” мавзуида маъруза қилдилар. Қозоқ тили ўқитувчиси

Гулбиби Жаппарқул “Ижтисобий тармоқлар – имкониятлар майдони” мавзуида машғул ўтказди. Инглиз тили ўқитувчиси Мереке Бегимбет 6-синф ўқувчилари билан 2025-2026 ўқув йилида НЗМнинг 7-синфига ўқувчиларни танлов асосида саралаш тартибини тушунтирди.

Шундан сўнг мактаб директори Ф. Исмоилова ўқитувчилар билан руҳий машғул ўтказиб, иштирокчилар мактабнинг “Ҳунарманд” ва

шахмат тўғараклари фаолияти билан танишдилар.

Очиқ эшиклар кунни ўқитувчиларга таълим дастурлари ва ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш масалалари билан чуқур танишиш имконини берди. Шунингдек, семинар иштирокчилари учун давра сўхбати уюштирилиб, самарали ўқитиш усуллари муҳокама қилинди.

З. МҮМИНЖОНОВ.



Келажак билимли ёшлар қўлида

Биринчи IT мактаб-лицейида

Туркистон шаҳридаги жамоатчи обуначимиз Олимжон Темирбоев раҳбарлик қилаётган биринчи IT хусусий мактаб-лицейи ўз фаолиятини ўтган йили бошлаган.

220 ўринга мўлжалланган мактабда айни пайтда 160 ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга 40 ўқитувчи, хусусан, 3 тадқиқотчи, 2 таҳлилчи, 2 модератор ҳамда 5 магистр даражасидаги тажрибали устозлар таълим-тарбия бермоқда. Табиий фанлар ҳамда математика фани теран ўқитиладиган мактаб-лицейида машғулотлар қозоқ ва рус тилларида юритилади.



ринли ўринларни эгалласа, 11-“Б” синф ўқувчиси Зайнаб Камолитдинова математикадан фахрли биринчи ўринни қўлга кiritиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

IT хусусий мактаб-лицейи директори Олимжон Расул ўғли 1980 йили 14 февралда Туркистонда туғилган. И. Алтинсарин номидаги педагогика билим юрти ҳамда А. Ясавий номидаги ХҚТУнинг ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Отатурк номи мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган.

Туркистоннинг Ўртоқ мавзесида Ж. Майкотов шоҳқўчаси ва Кең бай-



Таълим даргоҳи барча зарур ўқув қуроллари билан, ўқувчилар эса 2 маҳал иссиқ таом билан таъминланган. Машғулотлар 1- ва 11-синфлар ораллигида олиб борилди. Ўқувчилар мактабга йил бўйи қабул қилинади.

Фаолиятини эндигина бошлаган IT хусусий мактаб-лицейида ўқувчиларининг эришган зафарлари мўл. Яъни, Туркистон шаҳрида 5-11-синф ўқувчилари орасида ўтган умумтаълим фанлар бўйича республика

олимпиадасининг шаҳар босқичида “Биринчи IT мактаб-лицейи” шарафини 21 ўқувчи ҳимоя қилиб, уларнинг 5 нафари совринли ўринларни эгаллади, биринчилиқни эгаллаган 1 ўқувчи вилоят босқичига йўлланма олди. Хусусан, 8-синф ўқувчиси Жамшид Омонов информатикадан, 10-синф ўқувчиси Рамазон Расулов математикадан, 10-11-синф ўқувчилари Абдулазиз Индира ҳамда Фотиима Рафиқовалар инглиз тилидан сов-

тақ кўчалари чорраҳасида 144-сонли манзилда жойлашган, истиқболи порлоқ ушбу ўқув даргоҳига берилган давлат лицензиясида “Биринчи IT мактаб-лицейи” деб ёзилган. Жамоага ҳаммиша биринчилар қаторида бўлиш неъматини насиб этсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: IT хусусий мактаб-лицейи директори Олимжон Расул ўғли; ушбу маскан устозлар жамоаси.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR” print” МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бирорлар
147.

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.